

## ИШЧАНЛИК ОБРЎСИНИ ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ

Эргашев Бахтиёр Ортиқ ўғли

ИИВ Академияси мустақил изланувчиси  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.18388272>

Ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш соҳасида ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаш масалалари доимо ҳуқуқшунослар, социологлар, тарихчилар, файласуфлар, жамоат ва давлат арбоблари орасида алоҳида қизиқиш уйғотиб келган. Ушбу ҳодиса мамлакатимизда қонун устуворлиги тамойиллари амал қиладиган, инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият сифатида эътироф этиладиган ҳамда уларни ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланадиган ҳуқуқий давлатни барпо этиш билан боғлиқ масалаларни комплекс ва ҳар томонлама тадқиқ этишнинг алоҳида аҳамиятга эга эканлиги билан изоҳланади.

Мазкур илмий-тадқиқот ишида кўриб чиқиладиган, бир томондан ахлоқий-фалсафий категория, иккинчи томондан эса фуқаролик ҳуқуқлари объекти ҳамда номоддий неъматлардан бири саналган “ишчанлик обрўси” тушунчалари фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, амалга ошириш ва ҳимоя қилиш тизимида муҳим ўрин тутди.

Ўз навбатида, жисмоний ва юридик шахсларга тегишли номоддий неъматларни муҳофаза қилиш даражаси ҳамда уларнинг ижтимоий ҳимояланганлик ҳолати фуқаролик жамияти ривожланганлик даражасини, ҳар қандай давлатнинг ҳуқуқий ва ижтимоий йўналтирилган модели қай даражада шаклланганлигини акс эттиради<sup>1</sup>.

Бизнинг фикримизча, давлатда юзага келадиган барча жараёнлар ва ҳуқуқий ҳодисалар шахс кадр-қимматига ҳурмат билан муносабатда бўлиш ғоясига асосланиши лозим, зеро инсон кадр-қиммати ғояси ҳар доим шахсга тегишли ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш механизмининг асосида ётган. Шунингдек шахснинг касбий обрўси ҳам унинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини белгилаб берувчи омиллардан бири саналади.

Дунёда мавжуд бир қатор ҳуқуқий тизимларда мазкур тушунчаларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш конституциявий даражага кўтарилган ёки бошқа шаклларда энг юқори қонунчилик даражасида мустақамлаб қўйилган бўлиб, улар ўзининг юксак аҳамияти туфайли нафақат умумэътирофни, балки самарали амалга ошириш, мустақамлаш ва ҳар томонлама юридик ҳимоя қилиш механизмларини ҳам талаб этади<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 2-моддасида фуқаролик қонунчилиги “мулкӣ ва улар билан боғлиқ шахсий номулкӣ муносабатларни, улар иштирокчиларининг тенглиги, ирода эркинлиги ва мулкӣ мустақиллигига асосланган ҳолда, шунингдек, инсоннинг ажралмас ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда бошқа номоддий неъматлар, агар ушбу номоддий неъматларнинг моҳиятидан бошқача ҳол келиб чиқмаса, фуқаролик қонунчилиги билан ҳимоя қилинишини” белгиланган. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш

<sup>1</sup> Якубова И. Ўзбекистон ва Япония фуқаролик қонунчилигида номоддий неъматлар ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларни таснифлашнинг баъзи масалалари. Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили. 2017 №4 Б.67

<sup>2</sup> Давыдов Р. Х. Проблемы защиты чести, достоинства и деловой репутации по законодательству Российской Федерации. Экономика. Право. Общество № 1 (21), 2020. С.58.

функцияси, энг аввало, айнан ушбу номоддий неъматларни ҳимоя қилишга қаратилганлигини таъкидлаш зарур<sup>3</sup>.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, ишчанлик обрўси шахсларнинг номоддий неъматларидан бири ҳисобланади. Ушбу неъматлар бошқа шахсларга ўтказилиши, яъни бегоналаштирилиши мумкин эмас ва фуқароларга туғилган пайтдан бошлаб, ташкилотларга эса тегишли ташкилот ташкил этилган кундан бошлаб тегишли бўлади. Мазкур номоддий неъматни ҳуқуқий тартибга солиш ва ҳимоя қилиш Фуқаролик кодексининг 11-моддасига, яъни фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг умумий усулларига мувофиқ амалга оширилади, бироқ бузилган номоддий ҳуқуқнинг хусусиятлари, шунингдек содир этилган ҳуқуқбузарликнинг оқибатлари характери ва даражасини ҳисобга олган ҳолда.

Асосий ҳимоя усулларидан ташқари, фуқаролик қонунчилиги қонунда бевосита кўрсатилган махсус ҳимоя усулларини ҳам назарда тутлади. Россия Федерацияси Олий суди Пленумининг 1992 йил 19 июндаги № 5-сонли “Суд амалиётида фуқаро ва ташкилотларнинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш ҳақидаги қонунларни қўллаш тўғрисида”ги қарорига (кейинги ўринларда — № 5-сонли қарор) мувофиқ, шаън, кадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш бўйича низоларни ҳал этишда нафақат миллий қонунчилик, балки ратификация қилинган халқаро ҳужжатлар, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг Конвенция нормаларини талқин қилиш ва қўллаш бўйича қарорларда ифодаланган ҳуқуқий позициялари ҳам ҳисобга олиниши лозим. Айни пайтда, Европа суди томонидан қўлланиладиган “диффамация” атамаси “ҳақоратловчи маълумотларни тарқатиш” тушунчасига мос келади. № 3-сонли қарорда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари ва принципларини қўллаш муҳимлигига ишора қилиниши Россия Федерацияси Конституциясининг 31-моддаси ҳамда «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунининг 34-моддасида мустаҳкамланган қоида билан изоҳланади. Унга кўра, ҳар бир инсон шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сирга эга бўлиш, ўз шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга эканлиги, ҳар ким ўз шахсига доир маълумотларнинг ҳимоя қилиниши ҳуқуқига, шунингдек, нотўғри маълумотларнинг тузатилишини, ўзи тўғрисида қонунга хилоф йўл билан тўпланган ёки ҳуқуқий асосларга эга бўлмайдиган маълумотларнинг йўқ қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга эканлиги, шунингдек, юридик ва жисмоний шахс оммавий ахборот воситасида эълон қилинган, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ва ўзининг шаъни ҳамда кадр-қимматига доғ туширадиган маълумотлар бўйича раддия беришни таҳририятдан талаб қилишга ҳақли эканлигига судлар томонидан эътибор қаратилиши белгиланган.

Айни вақтда миллий қонунчилигимизда “ишчанлик обрўси” тушунчаси қонуний жиҳатдан мустаҳкамланмаган, шунингдек, уларни ҳимоя қилишга оид масалалар етарлича тартибга солинмаган. Шу боис, нафақат ушбу тушунчаларга аниқ таъриф бериш, балки уларнинг моҳиятини очиқ бериш ҳам зарур саналади.

<sup>3</sup>Тюленев И. В. Защита чести, достоинства и деловой репутации по российскому и международному законодательству : дис. ... канд. юрид. наук : 12.00.03. – М., 2010.С.28

Маҳаллий монографияларнинг аксариятида (жумладан, И.И.Насриев<sup>4</sup>) этика нуқтаи назаридан ишчанлик обрўси — бу муайян шахс (ёки шахслар гуруҳи)нинг ахлоқий қиёфаси ҳақида одамлар орасида шаклланган фикр бўлиб, у унинг олдинги хулқ-атворида асосланади ҳамда жамиятдаги нуфузи, келгусидаги хизматлари ва хатти-ҳаракатларига берилган баҳоларда ифодаланади.

Ишчанлик обрўси, худди шаън каби, маълум даражада инсоннинг ўзига боғлиқ, чунки у инсоннинг хулқ-атвори, жамият ва давлат манфаатларига муносабати асосида шаклланади. Ишчанлик обрўси ижобий ёки салбий тусга эга бўлиши мумкин бўлиб, бу жамиятда муайян шахс ҳақида мавжуд маълумотлар характери ва даражасига боғлиқ. Шу тариқа, ишчанлик обрўси тушунчаси шаън ва қадр-қиммат билан узвий боғлиқ эканлиги ҳақида хулоса қилиш мумкин<sup>5</sup>.

Муаллиф ишчанлик обрўсини шаън билан қиёслаб, унинг шаклланиши инсоннинг хулқ-атвори, жамият ва давлат манфаатларига муносабати билан белгиланишини таъкидлайди ҳамда ишчанлик обрўси ижобий ёки салбий тусга эга бўлиши мумкинлигини асослайди. Ушбу фикр умумий назарий жиҳатдан муайян даражада асосли бўлса-да, уни мутлақ қабул қилиш қатор илмий ва ҳуқуқий баҳсларни келтириб чиқаради.

Аввало, ишчанлик обрўсини шахснинг хулқ-атвори билан бевосита боғлаш фақат жисмоний шахсларга нисбатан нисбатан асосли ҳисобланиши мумкин. Бироқ фуқаролик ҳуқуқи нуқтаи назаридан ишчанлик обрўси нафақат жисмоний шахсларга, балки юридик шахсларга ҳам хос номоддий неъмат ҳисобланади. Юридик шахсларда эса “хулқ-атвор” категорияси шахсий-ахлоқий мазмунга эмас, балки ташкилий, бошқарув ва иқтисодий фаолият самарадорлиги билан боғлиқ бўлади. Демак, ишчанлик обрўсининг шаклланишида ахлоқий омиллардан кўра институционал, бозор ва ахборот муҳитига оид омиллар устувор аҳамият касб этади.

Иккинчидан, ишчанлик обрўсини шаън ва қадр-қиммат билан мутлақ узвий боғлиқ ҳолда талқин қилиш ҳуқуқий нуқтаи назардан баҳслидир. Шаън ва қадр-қиммат инсон шахсиятига дахлдор бўлган табиий ва ажралмас номоддий неъматлар ҳисобланади ва улар фақат жисмоний шахсларга тегишлидир. Ишчанлик обрўси эса иқтисодий айланма, рақобат муҳити ва касбий фаолият билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, у муайян фаолият натижасида орттирилади ва ўзгарувчан хусусиятга эга. Шу сабабли ишчанлик обрўсини шахснинг табиий қадр-қиммати билан бир хил даражада қўйиш, унинг ҳуқуқий табиатини сунъий равишда кенгайтиришга олиб келиши мумкин.

Учинчидан, муаллиф ишчанлик обрўсининг ижобий ёки салбий тусга эга бўлиши жамиятда мавжуд маълумотлар характери ва даражасига боғлиқ эканлигини таъкидлайди. Бироқ ушбу ёндашув ахборот асимметрияси, манипуляция ва субъектив баҳолар таъсирини етарли даражада инобатга олмайди. Айниқса, рақамли муҳит ва оммавий ахборот воситалари шароитида ишчанлик обрўси шахснинг реал фаолиятига эмас, балки бузиб кўрсатилган, тўлиқ бўлмаган ёки атайин салбий тусда тарқатилган

<sup>4</sup>Насриев И.И. Шахсий номулкий ҳуқуқларни амалга ошириш ва муҳофаза қилишнинг фуқаролик ҳуқуқий муаммолари. Монография. Тошкент. 2006. Б.56.

<sup>5</sup>Давыдов Р. Х. Проблемы защиты чести, достоинства и деловой репутации по законодательству Российской Федерации. Экономика. Право. Общество № 1 (21), 2020. С.60

маълумотларга асосланиб шаклланиши мумкин. Бу эса ишчанлик обрўсининг шахсга “боғлиқлиги” ҳақидаги тезисни нисбий характерга эга эканлигини кўрсатади.

Тўртинчидан, фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя нуқтаи назаридан ишчанлик обрўсининг шаън ва қадр-қимматдан фарқли хусусиятлари мавжуд. Агар шаън ва қадр-қимматни ҳимоя қилишда асосий эътибор шахснинг ички қадриятларига ва ижтимоий баҳога қаратилса, ишчанлик обрўсини ҳимоя қилишда иқтисодий зарар, ишбилармонлик алоқаларига таъсир, рақобат муҳитидаги йўқотишлар каби омиллар ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шу маънода, ишчанлик обрўсини шаън ва қадр-қимматнинг давоми сифатида эмас, балки мустақил фуқаролик-ҳуқуқий категория сифатида кўриш илмий жиҳатдан мақбулроқдир.

Хулоса қилиб айтганда, муаллифнинг ишчанлик обрўсини шаън ва қадр-қиммат билан узвий боғлиқ деб ҳисоблаш ҳақидаги ғояси умумий фалсафий ва ахлоқий нуқтаи назардан муайян даражада асосланган бўлса-да, фуқаролик ҳуқуқи назарияси ва амалиёти нуқтаи назаридан уни шартли ва нисбий ёндашув сифатида баҳолаш лозим. Ишчанлик обрўси ўзининг мазмуни, субъектлари ва ҳимоя механизмлари жиҳатидан шаън ва қадр-қимматдан фарқ қилувчи, мустақил ҳуқуқий табиатга эга номоддий неъмат сифатида илмий таҳлил қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Таъкидлаш лозимки, фақат барча зарур шартлар мавжуд бўлган тақдирдагина, қонун билан назарда тутилган умумий ва махсус ҳимоя усуллари орқали ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш учун асослар вужудга келади. Фуқаролик-ҳуқуқий диффамация таркибини исботлаш жуда мураккаб ва муаммоли жараён ҳисобланади. Унинг элементларига қуйидагилар киради:

- маълумотларни тарқатиш факти;
- маълумотларнинг ҳақиқатга мос келмаслиги;
- дискредитация қилувчи маълумотларни тарқатиш;

маълумотлар муайян шахсга нисбатан тарқатилган бўлиши (марҳумнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш бундан мустасно, чунки уни манфаатдор шахслар ҳимоя қилади);

тарқатилган маълумотлар аниқ фактларга тааллуқли бўлиши (баҳоловчи фикрлар, тахминлар, субъектив мулоҳазалар ҳимоя объекти ҳисобланмайди);

ҳақоратловчи ва ишончсиз маълумотлар айнан фактларни акс эттириши лозим, фикр ёки баҳолаш эмас<sup>6</sup>.

Муаллиф томонидан фуқаролик-ҳуқуқий диффамация таркибининг асосий элементлари тўғри ва тизимли равишда баён этилган. Бироқ мазкур ёндашувни янада такомиллаштириш, унинг ҳуқуқий аниқлигини ошириш ва суд амалиётида қўлланилишини енгиллаштириш мақсадида қуйидаги қўшимча таклифларни илгари суриш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, диффамация таркибининг элементларини қонунчилик даражасида аниқ иерархия асосида мустаҳкамлаш зарур. Хусусан, “маълумотларни тарқатиш факти” ва “маълумотларнинг ҳақиқатга мос келмаслиги” асосий (зарурий) элементлар сифатида, қолган элементлар эса қўшимча (шакллантирувчи) элементлар сифатида

<sup>6</sup>Гаврилов Е. В. Гражданско-правовая диффамация как гражданско-правовое нарушение // Налоги. – 2010. – № 29. – С. 27–30

белгиланиши мумкин. Бу судларга ишни кўриб чиқишда далилларни баҳолашда тизимли ёндашувни таъминлайди.

Иккинчидан, “маълумотларни тарқатиш” тушунчасининг мазмунини рақамли муҳитни инобатга олган ҳолда кенгайтириш мақсадга мувофиқ. Амалда тарқатиш деганда фақат анъанавий ОАВ эмас, балки ижтимоий тармоқлар, мессенжерлар, блог платформалари, форумлар ва алгоритмлар орқали автоматик равишда кенг аудиторияга етказиш ҳолатлари ҳам назарда тутилиши лозим. Бу, айниқса, ишчанлик обрўсига Интернет орқали етказилаётган зарарларни самарали ҳимоя қилиш учун муҳим аҳамиятга эга.

Учинчидан, баҳоловчи фикрлар билан аниқ фактларни фарқлаш масаласини қонун ёки Олий суд Пленуми қарорлари орқали изоҳлаш зарур. Чунки суд амалиётида айнан ушбу масала энг кўп баҳсларга сабаб бўлади. Масалан, “компания ишончсиз” каби умумий ибора билан “компания солиқ тўловларини қасддан тўламаган” каби текширилиши мумкин бўлган фактни фарқлаш мезонлари аниқ белгиланиши лозим.

Тўртинчидан, ишчанлик обрўсига зарар етказилганлигини аниқлашда фаолият соҳасига хос махсус мезонларни жорий этиш мақсадга мувофиқ. Масалан, тижорат ташкилотлари учун — шартномалар бекор қилиниши, мижозлар сони камайиши, акция қийматининг тушиши; касбий фаолият билан шуғулланувчи шахслар учун — лицензиядан маҳрум этиш хавфи, ишбилармонлик алоқаларининг узилиши каби ҳолатлар дискредитациянинг ҳуқуқий оқибати сифатида баҳоланиши мумкин.

Бешинчидан, диффамация ишларида айб масаласини алоҳида элемент сифатида ажратиб кўрсатиш таклиф этилади. Айниқса, маълумотларни қасддан ёки эҳтиётсизлик билан тарқатиш ҳолатларини фарқлаш компенсация миқдорини белгилашда адолатли ёндашувни таъминлайди. Шунингдек, ахборотни текшириш бўйича журналистик ёки касбий мажбуриятларни бажармаганлик ҳолатлари ҳам ҳуқуқий баҳога эга бўлиши лозим.

Олтинчидан, диффамация ишларида исботлаш юқини тақсимлаш механизмини аниқлаштириш зарур. Хусусан, даъвогар тарқатиш факти ва маълумотларнинг дискредитация қилувчи характерга эга эканлигини исботлаши, жавобгар эса тарқатилган маълумотларнинг ҳақиқатга мослигини тасдиқлаши лозимлиги қонунчиликда ёки суд амалиётида аниқ ифодаланиши мақсадга мувофиқ.

Еттинчидан, ишчанлик обрўсини ҳимоя қилишда олдини олувчи чораларни жорий этиш масаласига эътибор қаратиш лозим. Жумладан, маълумот тарқатилишидан олдин рад этиш ҳуқуқи, вақтинчалик суд таъқиқлари (provisional measures), Интернет-ресурсларга нисбатан зудлик билан қўлланиладиган чеклов чоралари ишчанлик обрўсига етиши мумкин бўлган зарарнинг олдини олишда самарали восита бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, муаллиф томонидан келтирилган диффамация таркиби элементлари фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоянинг назарий асосини ташкил этса-да, уларни замонавий ахборот муҳити, рақобат шароити ва суд амалиёти эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда такомиллаштириш ишчанлик обрўсини ҳимоя қилишнинг самарадорлигини сезиларли даражада оширишга хизмат қилади.

Ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш соҳасидаги мавжуд муаммоларни қисқача таҳлил қилиб, қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

Маънавий (мораль) зарар» тушунчасини талқин қилиш ва амалда қўллашда қийинчиликлар мавжуд, чунки маънавий ва жисмоний азоб-уқубатлар мазмуни қонун чиқарувчи томонидан тўлиқ очиб берилмаган.

Амалдаги қонунчиликда маънавий зарарнинг қонуний таърифи Россия Федерацияси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги № 7-сонли “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорида мустаҳкамланган. Ушбу қарорга кўра Маънавий зарар, жумладан яқин қариндошини йўқотиш (ўлими) сабабли маънавий қайғуриш, ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини давом эттира олмаслик, ишини йўқотиш, оилавий, тиббий сирларни ошкор қилиш, фуқароларнинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига путур етказувчи ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш, ҳар қандай бошқа ҳуқуқларини вақтинча чеклаш ёки улардан маҳрум қилиш, етказилган зарар ёки соғлиққа бошқача зиён етказиш туфайли, жисмоний оғриқ, соғлиққа бошқача етказилган ёхуд етказилган маънавий азоблар натижасида бошидан ўтказилган бошқа касалликларда намоён бўлиши мумкин. Бироқ, суд умумий тарзда жисмоний ёки маънавий азоб-уқубатларга таъриф бермаган. А.М.Эрделевский “маънавий кечинмалар” атамасини муваффақиятсиз деб ҳисоблаб, уларни “инсоннинг салбий руҳий реакциялари, ҳиссиёт ва идрокларда ифодаланган ҳолат” сифатида таърифлашни таклиф қилади<sup>7</sup>. Кейинчалик у маънавий зарар миқдорини белгилашда азоб-уқубат турини эмас, балки зарар етказилган номоддий неъматнинг аҳамиятини ҳисобга олиш лозимлигини таъкидлаган. Бизнингча, “маънавий зарар” тушунчасини қонунчилик даражасида янада аниқлаш ва кенгроқ очиб бериш зарур.

Судлар томонидан жисмоний ва маънавий азоб-уқубатлар даражасини ҳар томонлама баҳолашда қийинчиликлар мавжуд бўлиб, бу ҳолат жабрланувчининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олишда ягона ёндашув мавжуд эмаслиги билан изоҳланади. Хусусан, амалиётда бир суд маънавий зарар компенсацияси миқдорини белгилашда жабрланувчининг айрим индивидуал хусусиятларини инобатга олса, бошқа суд инстанцияси ушбу ҳолатларни умуман ҳисобга олмайди ёки уларга етарли даражада аҳамият бермайди.

Шу муносабат билан, судлар томонидан қарорларни ягона тарзда қабул қилишни таъминлаш мақсадида, қонунчилик даражасида соҳавий ҳуқуқ манбаларига жабрланувчининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олишнинг мазмунан аниқ механизмини ишлаб чиқиш ва мустаҳкамлашга қаратилган тегишли қўшимчалар киритиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Маънавий зарар компенсацияси миқдорини энг объектив, адолатли ва мутаносиб равишда белгилаш имконини берувчи аниқ белгиланган аломатлар ва мезонларнинг мавжуд эмаслиги. Бунинг натижасида, ўхшаш ишлар бўйича судлар томонидан белгиланадиган маънавий зарар компенсацияси миқдори амалда асоссиз равишда камайтирилиши ёки, аксинча, ортиқча оширилиши ҳолатлари кузатилмоқда.

Мазкур ҳолатни бартараф этишнинг самарали йўли сифатида судлар томонидан қўлланилиши учун маънавий зарар компенсацияси миқдорини белгилашнинг аниқ, тизимли ва қонунчилик даражасида мустаҳкамланган мезонлар тизимини ишлаб

<sup>7</sup>Эрделевский А. М. Компенсация морального вреда // Хозяйство и право. – 2006. – №1. – С. 135–139.

чиқиш ва жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Албатта, судлар ҳар бир аниқ иш бўйича ҳақиқий ҳолатларни, тарафлар ва суд муҳокамаси предметининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қилиши лозим. Бизнинг фикримизча, шу билан бирга, фуқаролик қонунчилигида етарли даражада ишлаб чиқилмаган қуйидаги мезонлар ҳам инobatга олиниши зарур: ҳуқуқбузарликнинг бир неча бор содир этилганлиги, рецидив ҳолатлари ва бошқа шу каби омиллар.

Айрим тоифадаги фуқароларнинг индивидуал хусусиятлари туфайли ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш воситаларини қўллашда, етказилган салбий оқибатларга мос ва мутаносиб бўлган маънавий зарар компенсацияси миқдорини белгилаш бўйича кафолатларнинг мавжуд эмаслиги.

Бундай тоифадаги шахсларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

– ақлий ривожланишда нуқсонли бўлган шахслар, улар ушбу ҳолат туфайли ўзларига нисбатан тарқатилган ҳақоратловчи маълумотлар ёки амалларнинг моҳиятини англаб ета олмасликлари, шунингдек, бу ҳолатлар натижасида жисмоний ёки маънавий азоб-уқубатларни ҳис қила олмасликлари мумкин. Ушбу шахсларнинг манфаатларини суд тартибида уларнинг қонуний вакиллари (ота-оналар, васийлар) томонидан ҳимоя қилиниши ва маънавий зарар компенсацияси миқдорининг мустақил равишда белгиланиши доим ҳам объектив ҳисобланмайди. Чунки даъво қилинган компенсация миқдори вакилнинг субъектив баҳосига, унинг ўз шахсий мулоҳазаларига асосланади ва ҳар доим ҳам жабрланувчига етказилган ҳақиқий маънавий зарарни тўлиқ акс эттирмадлиги мумкин;

– вояга етмаган шахслар, улар ёш хусусиятлари туфайли ҳар доим ҳам ўзларига қаратилган ҳақоратлар мазмунини, шаън ва қадр-қимматни камситишга қаратилган ҳаракатларни англаб ета олмасликлари мумкин.

Амалиётда кўпинча ота-оналар, вояга етмаган фарзандларининг қонуний вакиллари сифатида, ёки улар бўлмаган тақдирда қонуний васийлар, судда ўз васийлигидаги шахс манфаатларини ҳимоя қилиш жараёнида маънавий зарар компенсацияси миқдорини мустақил белгилаш орқали ўзларининг ҳам руҳий кечинмаларини қондиришга интиладилар. Одатда, бундай талаблар вояга етмаган шахснинг фикрини ҳисобга олмасдан, ягона даъво иши доирасида кўриб чиқилади. Бироқ, бизнинг фикримизча, 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган, қисман муомала лаёқатига эга бўлган бола, ўз ёш давридаёқ яхши билан ёмонни фарқлаш, ўз муносабатини билдириш, унга нисбатан содир этилган ҳаракатлар бўйича ўз ҳис-туйғулари ва кечинмаларини баҳолаш қобилиятига эга. Шу боис, қонун билан белгиланган ҳолларда унинг фикри тингланиши ва маънавий зарар компенсацияси миқдорини белгилашда суд томонидан ҳисобга олиниши лозим.

Интернет тармоғидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи етарли қонунчилик базасининг мавжуд эмаслиги. Хусусан, амалиётда электрон оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий мақоми ва уларни тартибга солиш масалалари кўплаб баҳсларга сабаб бўлмоқда. Ушбу муаммони ҳал этиш учун оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунга тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритиш зарур.

Айни пайтда Интернет тармоғида тарқатилган ҳақоратловчи маълумотларни қандай далил сифатида баҳолаш лозимлиги масаласи етарли даражада аниқланмаган.

Хуқуқни қўллаш амалиётида ягона ёндашув мавжуд эмас, судлар ҳар бир ишнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда қарор чиқармоқда.

Шу муносабат билан, Интернет тармоғида ҳақоратловчи маълумотларнинг жойлаштирилганлигини қайд этиш ва кейинчалик судда тасдиқлаш ваколатига эга бўлган мустақил давлат ташкилоти (ёки махсус бўлинма)ни ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади.

Интернетда диффамациявий маълумотларни тарқатиш билан боғлиқ кўплаб муаммолардан ташқари, даъвогар шуни ҳам ҳисобга олиши лозимки, ҳозирги вақтда Россияда компьютер (хусусан, электрон) ҳуқуқбузарликлари бўйича ихтисослашган малакали юристлар ва судьялар етарли эмас. Шу боис, ушбу тоифадаги ишлар бўйича қонуний, асосли ва адолатли қарор чиқариш имконияти мавжудлиги масаласи ҳам очиқ қолмоқда.

Ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш ишлари бўйича даъво муддатларини оптималлаштириш зарурати мавжуд. Оммавий ахборот воситалари орқали ҳақоратловчи маълумотларни тарқатиш билан боғлиқ ишлар учун бир йиллик даъво муддатини жорий этиш мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, ишчанлик обрўсини ҳимоя қилишга қаратилган фуқаролик-ҳуқуқий воситаларни ўз ичига олган нормаларни амалга ошириш жараёни ҳозирги вақтда назарий ва амалий соҳада жиддий муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда. Бу муаммолар, асосан, ҳимоя объекти бўлган номоддий неъматларнинг етарли даражада тадқиқ этилмаганлиги билан изоҳланади. Ушбу муаммоларни қонунчилик даражасида ҳал этиш, тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шу жумладан мазкур ишда қайд этилган соҳавий ҳуқуқ манбаларини қайта кўриб чиқиш, шунингдек, шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш ҳозирги кунда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.